


## II. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят корхоналари томонидан 35 593,3 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси\* 104,6 % ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариш таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, унинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши (97,9 %) ни ташкил этди.




Б - Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш,

С - Ишлаб чиқарадиган саноат

Д - Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш,

Е - Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш.

### Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш, ФХИ\* % да





Жами саноат ишлаб чиқариш физик ҳажм индекс ҳисобида сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда - 5,3 % га, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш - 69,4 % га пасайиши кузатилди.

Шунингдек, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг - 5,7 % га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг - 12,9 % га ўсиши кузатилди.



**\*Саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажми индекси** ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг таққосланадиган даврлардаги ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир.

**Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш саноатининг  
жами саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши, % да**



Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 112,7 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,3 фоизини ташкил этди.

**Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши % да**



**Ишлаб чиқарадиган саноат**



2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 34 853,1 млрд. сўмни ёки жами саноат маҳсулотларини 97,9 фоизини ташкил этди.


#### Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да



#### Ишлаб чиқарадиган саноатда айрим турдаги маҳсулотларнинг ўсиш суръати

2020 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида ишлаб чиқарадиган саноатда 219 365 дона енгил автомобиль ишлаб чиқарилиб (2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 3,5 % га ўсган), 66 622,8 тонна калава ип (7,3 %), 152 206,6 тонна юмшоқ буғдой ва спелта уни (11,7 %), 14 000,0 минг литр 80 % дан кам бўлмаган этил спирти (5,4 %), 574,5 тонна алюминийдан электр изоляциясиз ўралган сим, пўлат арқонлар, тўқилган шнурлар ва шу каби буюмлар (54,9 %) ишлаб чиқарилиб, юқори ўсиш суръатлари кузатилди. 6 405,0 тонна юргизувчи ғилдираклар, қисмлари ва уларни жиҳозлар (0,7 %) 151,4 тонна темир ёки пўлат симдан матолар, панжаралар, тўрлар ва тўсиқлар (1,6 %) камайиш кузатилди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да



Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналар  
томонидан айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш


Саноат маҳсулотлари	2019 йил январь- декабрь	2020 йил январь- декабрь	фарқи +/-
Енгил автомобиллар, <i>дона</i>	212 001	219 365	7 364
Пахтадан йигирилган ип, <i>тонна</i>	62 077,3	66 622,8	4 545,5
Ароқ, <i>минг литр</i>	829,8	733,0	-96,8
Бугдой ва спелта уни, <i>тонна</i>	136 273,0	152 206,6	16 859,5
Пахта толаси, <i>тонна</i>	30 892,0	46 507,0	15 615
Ўсимлик ёғи (тозаланган), <i>тонна</i>	12 851,5	8 888,1	-3 963,4

## Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш


Шу билан бирга, ишлаб чиқариш саноатида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан солиштирганда енгил автомобиллар -3,5 % га ошди.

Автомобил ишлаб чиқариш саноатида 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида 79 908 дона “Cobalt” (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 142,2 %), 66 402 дона “Nexia T-250” (90,8 %), 50 052 дона “Lasetti-Gentra” (112,5 %), 23 003 дона “Spark” (94,9 %) автомобиллари ишлаб чиқарилди.

### Андижон вилоятида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш саноати (2020 йилнинг январь-декабрь ойларида, дона)




### Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялаш (2020 йилнинг январь-декабрь ойларида)



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 533,8 млрд. сўми (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг (1,5 фоизини) ташкил этди.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида, саноатнинг мазкур тармоғида электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш, буғ билан таъминлаш тизимлари ва ҳавони кондициялаш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси 12,9 % га ошганлиги кузатилди.

**Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да**  
(январь-декабрь ойларида)




**Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

Саноат маҳсулотлари	2019 йил январь-декабрь	2020 йил январь-декабрь	фарқи +/-
Электроэнергия, млн. кВт/с	438,1	254,3	-183,8
Иссиқлик энергияси, минг гкал	91,7	76,8	-14,9
Электр энергиясини узатиш бўйича хизматлар, млрд. сўм.	318,1	354,7	36,6


Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан электр энергия ишлаб чиқариш 41,9 %, Иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш 16,2 % пасайди ҳамда электр энергия узатиш бўйича хизматлар 11,5 % га ошганлиги кузатилди.

**Сув билан таъминлаш, канализация тизими,  
чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш**



Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 93,7 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,3 фоизини) ташкил этди.

**Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши % да  
(январь-декабрь ойларида)**




Саноат маҳсулотлари	2019 йил январь- декабрь	2020 йил январь- декабрь	Фарқи +/-
Табиий сув, сувга ишлов бериш ва сув билан таъминлаш бўйича хизматлар, млрд. сўм	32,2	42,0	9,8
Оқава сувларни шлами, млрд. сўм	11,1	8,8	-2,3
Тўқимачилик чиқиндилари, тонна	852	1024	172

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сувга ишлов бериш ва сув билан таъминлаш бўйича хизматлар 30,4 % ҳамда тўқимачилик чиқиндилари 20,2 % га ошганлиги кузатилди, шунингдек, оқава сувларни шлами бериш бўйича хизматлар - 20,4 % га пасайиши кузатилди.

## Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулот турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 26 611,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан -0,4 % га камайган ҳолда, унинг жами саноатдаги улуши 74,8 % ни ташкил этди.



















Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида вино ва ароқ маҳсулотлари ва пиво 0,1 % (2019 йил январь-декабрь ойларида 0,1 %)ни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг вилоят жами ҳажмидаги энг юқори улуши Асака туманига тўғри келиб, 75,7 % ни, шунингдек, Андижон шаҳар 5,3 % ни, Хўжаобод тумани 2,6 % ни, Андижон туманида 2,2 % ни ҳамда Олтинкўл тумани 2,0 % ни ташкил этди.




















Шунингдек, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг ўсиш суръатида вилоят ўсиш суръати (99,6 %) даражасидан юқори кўрсаткич Избоскан (176,5 %), Хўжаобод (135,5 %), Улўғнор (131,8 %), Олтинкўл (124,9 %), Кўрғонтепа (104,1 %), Бўстон (108,7 %), туманларида ҳамда Андижон шаҳрида (111,2 %) кайд этилди.



**Худудлар бўйича истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми,  
таркиби ва ўсиш суръати  
(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида)**

	<b>Млрд. сўм</b>	<b>Улуши, % да</b>	<b>Ўсиш суръати, % да</b>		<b>Млрд. сўм</b>	<b>Улуши, % да</b>	<b>Ўсиш суръати, % да</b>
	1 416,6	5,3	111,2		139,1	0,5	148,8
	<b>Андижон шаҳар</b>				<b>Хонобод шаҳар</b>		
	<b>Млрд. сўм</b>	<b>Улуши, % да</b>	<b>Ўсиш суръати, % да</b>		<b>Млрд. сўм</b>	<b>Улуши, % да</b>	<b>Ўсиш суръати, % да</b>
	594,9	2,2	106,8		20 145,0	75,7	95,4
	<b>Андижон</b>				<b>Асака</b>		
	<b>Млрд. сўм</b>	<b>Улуши, % да</b>	<b>Ўсиш суръати, % да</b>		<b>Млрд. сўм</b>	<b>Улуши, % да</b>	<b>Ўсиш суръати, % да</b>
	271,2	1,0	106,7		283,6	1,1	110,4
	<b>Балиқчи</b>				<b>Булоқбоши</b>		
	<b>Млрд. сўм</b>	<b>Улуши, % да</b>	<b>Ўсиш суръати, % да</b>		<b>Млрд. сўм</b>	<b>Улуши, % да</b>	<b>Ўсиш суръати, % да</b>
	173,9	0,7	108,7		329,9	1,2	103,2
	<b>Бўстон</b>				<b>Жалақудук</b>		
	<b>Млрд. сўм</b>	<b>Улуши, % да</b>	<b>Ўсиш суръати, % да</b>		<b>Млрд. сўм</b>	<b>Улуши, % да</b>	<b>Ўсиш суръати, % да</b>
	473,5	1,8	176,5		138,1	0,5	131,8
	<b>Избоскан</b>				<b>Улуғнор</b>		
	<b>Млрд. сўм</b>	<b>Улуши, % да</b>	<b>Ўсиш суръати, % да</b>		<b>Млрд. сўм</b>	<b>Улуши, % да</b>	<b>Ўсиш суръати, % да</b>
	254,5	1,0	103,9		524,1	2,0	124,9
	<b>Марҳамат</b>				<b>Олтинқўл</b>		
	<b>Млрд. сўм</b>	<b>Улуши, % да</b>	<b>Ўсиш суръати, % да</b>		<b>Млрд. сўм</b>	<b>Улуши, % да</b>	<b>Ўсиш суръати, % да</b>
	301,0	1,1	107,1		684,8	2,6	135,5
	<b>Пахтаобод</b>				<b>Хўжаобод</b>		
	<b>Млрд. сўм</b>	<b>Улуши, % да</b>	<b>Ўсиш суръати, % да</b>		<b>Млрд. сўм</b>	<b>Улуши, % да</b>	<b>Ўсиш суръати, % да</b>
	507,8	1,9	102,4		373,1	1,4	104,1
	<b>Шаҳрихон</b>				<b>Қўрғонтепа</b>		


**Ҳудудлар кесимида саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари**  
(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Млрд. сўм		Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
	35 593,3		100,0	104,6
	Андижон вилояти *			
	Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да	
	5721,1	16,1	111,5	
	Андижон шаҳар			
	Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да	
	934,8	2,6	101,8	
	Андижон			
	Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да	
	754,2	2,1	102,0	
	Балиқчи			
	Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да	
	308,9	0,9	105,5	
	Бўстон			
	Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да	
	738,0	2,1	146,7	
	Избоскан			
	Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да	
	426,8	1,2	110,5	
	Мархамат			
	Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да	
	510,2	1,4	110,7	
	Пахтаобод			
	Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да	
	756,9	2,1	100,9	
	Шаҳрихон			
	Млрд. сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да	
	845,3	2,4	103,6	

Шаҳар ва туманлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда


**Андижон вилоят ҳудудлари кесимида ишлаб чиқариш физик ҳажм индекси,  
истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, % да**

Вилоят саноат ишлаб чиқариш физик ҳажм индексининг камайишини, Асака (2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 95,9 %), саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари физик ҳажм индексининг сезиларли даражада пасайганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.



Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш Избоскан (2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 146,7 %), Олтинкўл (114,7 %), Хўжаобод (110,6 %), Қўрғонтепа (103,6 %), Жалақудуқ (109,8 %), Пахтаобод (110,7 %), Марҳамат (110,5 %), Хонобод (102,0 %) ва Бўстон (105,5 %) туманларида ҳамда Андижон шаҳрида (111,5 %) сезиларли даражада ошди.

**Андижон вилоят жами саноат маҳсулотлари ҳажмида  
ҳудудларнинг улуши, % да**








Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп улуш Асака тумани (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 58,2 фоизи) ҳамда Андижон шаҳрида (16,1 %), Ҳонобод шаҳар (3,4 %), Андижон (2,6 %), Қўрғонтепа (2,4 %) ва Хўжабод (2,2 %) туман ва шаҳарлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Энг паст кўрсаткич эса Булоқбоши (0,9 %), Бўстон (0,9 %) ҳамда Улуғнор (0,7 %) туманларига тўғри келмоқда.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тақсимланиши, йирик саноат корхоналари жойлашганлиги ҳисобига Асака (62 939,3 минг сўм), Ҳонобод шаҳар (28 562,2 минг сўм) ва Андижон шаҳрида (12 833,3 минг сўм) туман ва шаҳарларда ўртача вилоят даражаси кўрсаткичидан (11 271,2 минг сўм) юқорилигини кўрсатмоқда.

Вилоят бўйича аҳоли жон бошига истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши 8 426,8 минг сўм бўлган ҳолда, Асака туманида – 61 139,9 минг сўмни, Хўжабод туманида – 6 192,1 минг сўмни, Андижон шаҳрида – 3 177,7 минг сўмни, Ҳонобод шаҳрида 3 249,5 минг сўмни ташкил этди.



**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари  
ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш  
(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида, минг сўм)**

		Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари		
		11 271,2	8 426,8		
Андижон вилояти					
	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари		Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари
	12 833,3	3 177,7		28 562,2	3 249,5
		Андижон ш.		Хонобод ш.	
	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари		Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари
	3 534,4	2 249,3		62 939,3	61 193,9
		Андижон		Асака	
	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари		Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари
	3 748,6	1 347,7		2 122,8	1 980,4
		Балиқчи		Булоқбоши	
	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари		Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари
	4 267,0	2 402,4		3 668,4	1 769,9
		Бўстон		Жалақудук	
	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари		Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари
	3 090,3	1 982,9		4 018,0	2 304,5
		Избоскан		Улғунор	
	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари		Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари
	2 458,4	1 465,9		3 507,8	2 934,7
		Марҳамат		Олтинқўл	
	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари		Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари
	2 635,3	1 554,7		7 233,6	6 192,1
		Пахтаобод		Хўжаобод	
	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари		Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари
	2 517,1	1 688,8		3 902,7	1 722,4
		Шаҳрихон		Қўрғонтепа	



## Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши (2020 йилнинг январь-декабрь ойларида, % да)

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 7 134,0 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, унинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 20,0 % ни ташкил этди.



Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Булоқбоши туманида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 %), Шаҳрихон (80,5 %), Жалақудуқ (78,9 %), Избоскан (72,9 %) ҳамда Андижон (73,7 %) туманларида кузатилди.

Вилоятимиз худудлари кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши тахлили шуни кўрсатдики, Асака тумани (2,4 %), Хонобод шаҳар (14,6 %) ва Андижон шаҳарида (23,4 %) саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги кичик бизнес субъектлари улушининг камлигини, мазкур худудларда жойлашган йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажмлари юқори эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

**Вилоятда фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари**  
(2021 йил 1 январь ҳолатига кўра)



Бугунги кунда вилоятда 8 342 дона саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда, шундан 3 076 таси (рўйхатдан ўтган корхоналар умумий сонининг 36,9 фоизи) Андижон шаҳрига, 896 таси (107 %) Асака туманига, 567 таси (6,8 %) Андижон туманига, 611 таси (7,3 %) Шаҳрихон туманига, 452 таси (5,4 %) Хўжаобод туманига ва 401 таси (4,8 %) Олтинкўл туманларига тўғри келмоқда.

Янги ташкил этилган корхоналар сони, бирликда		Фаолият юритаётган корхоналар сони, бирликда
42	Улугнор	86
39	Хонобод ш.	143
103	Бўстон	171
114	Пахтаобод	215
82	Марҳамат	244
94	Булоқбоши	245
102	Балиқчи	262
129	Жалақудуқ	280
93	Избоскан	285
121	Қўрғонтепа	325
119	Олтинкўл	388
153	Хўжаобод	446
157	Андижон	625
170	Шаҳрихон	657
176	Асака	870
757	Андижон ш.	3 049

2020 йилнинг январь-декабрь ойида вилоятда 2 451 та янги саноат корхоналари ташкил этилди, шулардан 757 таси (жами янги ташкил этилган саноат корхоналари ҳажмидаги улуши 30,9 %) Андижон шаҳрида, 176 таси (7,2 %) Асака туманида, 170 таси (6,7 %) Шаҳрихон туманида, 153 таси (6,1 %) Хўжаобод туманида, 157 таси (6,2 %) Андижон туманида ташкил этилди.

## Шаҳар ва туманлар кесимида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари (2021 йил 1 январь ҳолатига кўра)

Бугунги кунда шаҳар ва туманлар кесимида фаолият кўрсатаётган энг кўп саноат корхоналари жойлашган ҳудудлар 8 талигида Асака (896 та), Андижон (567 та), Шаҳрихон (611 та), Хўжаобод (452 та), Олтинкўл (401 та), Қўрғонтепа (342 та) ва Избоскан туманларида (290 та) ҳамда Андижон шаҳарида (3 076 та) қайд этилди.



2021 йил 1 январь ҳолатига кўра вилоятимизда фаолият кўрсатаётган энг кам саноат корхоналари жойлашган ҳудудлар 8 талигига эса Жалақудуқ (289 та), Балиқчи (278 та), Булоқбоши (249 та), Марҳамат (245 та), Пахтаобод (227 та), Бўстон (176 та) ва Улуғнор туманларида (93 та) ҳамда Хонобод шаҳрида (150 та) фаолият юргизаётган корхоналар қайд этилди.